

Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ

Шафқатсиз ўлим университетимиз собиқ ректорларидан бири, таниқли олим, ўз соҳасининг зукко билимдони бўлган Мадаминбек Хотамович Аҳмедовни орамиздан олиб кетди.

М.Х.Аҳмедов 1949 йил 26 октябрда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида туғилган. 1966 йилда ўрта мактабни битириб, Фарғона давлат педагогика институтининг табиёт-география факультетига ўқишга кирди. 1971 йили институтни биология ва кимё ўқитувчиси мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлади. 1972 йилнинг март ойидан Фарғона давлат педагогика институтида иш бошлади. Дастлаб зоология кафедраси катта лаборанти, ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти ва профессори лавозимларида ишлади.

Изланувчан тадқиқотчи-олим энг мураккаб соҳа – афидиология соҳасида собитлик билан илмий изланишлар олиб борди. 1981 йили «Дендрофильные тли Западного Тянь-Шаня (фауна, формирование и зоогеографические особенности)» мавзусида номзодлик, 1995 йилда «Тлиафидиды (Homoptera, Aphidinea, Aphididae) аридно-горных зон Средней Азии» мавзусидаги докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олим 1985 йилда доцентлик, 2001 йилда профессорлик илмий унвонларини олган.

М.Х.Аҳмедов кафедрадаги фаолияти билан биргаликда 1981-1987 йиллар оралиғида институт Ёш олимлар кенгаши, 1988-1990 йилларда эса институт профессор-ўқитувчилар

касаба уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. 1989 йилдан бошлаб университетнинг зоология кафедрасини бошқарди. 1997-2000 йиллар давомида ўзи таҳсил олган табиёт факультетида декан, 2001-2005 йилларда университетнинг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори лавозимларида меҳнат қилди.

М.Х.Аҳмедов 2005 йилдан 2013 йилга қадар Фарғона давлат университети ректори лавозимида ишлади. Раҳбарлик фаолияти давомида ўқув жараёни, илмий тадқиқот, ободонлаштириш ишларини янада такомиллаштириш борасида самарали меҳнат қилди.

1998 йилда М.Х.Аҳмедовга “Фарғона давлат университетида хизмат кўрсатган доцент” фахрий унвони берилган. 2006 йилда эса “Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган.

М.Х.Аҳмедовнинг юзлаб илмий мақолалари, 30 дан ортиқ монография ва ўқув-услубий қўлланмалари мавжуд. Унинг раҳбарлигида 5 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

2017 йил 17 май куни атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мадаминбек Хотамович Аҳмедов 68 ёшида вафот этди. Унинг ёрқин хотираси шогирдлари, ҳамкасблари қалбида ҳамisha сақланиб қолади.

Эркин Мўйдинович ТЎХТАСИНОВ

Университетимиз жамоаси камтарин инсон, толмас мураббий Эркин Мўйдинович Тўхтасиновдан жудо бўлди.

Э.Тўхтасинов 1937 йил 5 августда Олтиариқ туманида туғилган. 1955 йили Фарғона шаҳридаги 1- мактабни тамомлагач, Фарғона давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Уни 1961 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади ва шу йил физика кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишга қолдирилган.

1965-1966 йилларда илмий-тадқиқотчи, 1967-1970 йилларда Тошкент давлат университетида ярим ўтказгичлар физикаси бўйича аспирантурада ўқиди. 1972 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилди. 1978-

1984 йилларда индустриал-педагогика факультети декани лавозимида ишлади. 1973-1978 йиллари ишлаб чиқариш асослари кафедраси мудири, 1976 йилдан доцент.

1976-1986 йилларда республика олий таълим вазирлиги қошидаги меҳнат таълими услубий кабинети аъзоси бўлган.

1991 йилда кўп йиллик самарали ишлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фахрий ёрлик билан мукофотланган.

Э.Тўхтасинов 30 га яқин илмий мақола ва ўқув қўлланмалар муаллифидир.

Э. Тўхтасинов 2017 йил 24 май куни 80 ёшида вафот этди.

Устоз хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

“ФарДУ. ИЛМИЙ ХАБАРЛАР – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ” журнали тахририяти.